



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

9 ЖИЛД, 12 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 9, НОМЕР 12

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 9, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2024

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№12 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2024-12>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Artur Gambaryan
yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW, ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farhod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govverjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Xidoyatov Parvizbek Istamovich EKSPERIMENTAL TARTIBGA SOLISHNING HUQUQIY TABIATI VA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	5
2. Ubaydullayev Abror Qutpilla o'g'li XIX-XX ASRLARDA ISLOM HUQUQIDA MOLIYA INSTITUTINING RIVOJLANISHIGA TA'SIR KO'RSATGAN SIYOSIY-HUQUQIY JARAYONLAR.....	12
3. Хамдамова Фируза Уразалиевна ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ.....	23
4. Шорахимов Хусан Муроджон ўғли ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	32
5. Abdullayev Jamshid Djamilovich TIBBIY XIZMAT KO'RSATISH BO'YICHA AYRIM SHARTNOMAVIY MUNOSABATLARNI FUQAROLIK HUQUQIY TARTIBGA SOLISHNI TAKOMILLASHTIRISH.....	41
6. Воснев Жамшид Мустафоевич ИНСОННИНГ БИОМЕХАНИК ЎЗГАРИШИДА ШАФФОФЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ.....	49
7. Ашурова Нилуфар Ўктамовна ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲИМОЯСИ: ЖИНОЯТЛАР ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА НИСБАТАН ЖАВОБГАРЛИК.....	63
8. Давлетмуратов Султанмурат Рустемович АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	75
9. Хайдаров Шухратжон Джумаевич ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЎХШАШ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	82
10. Иброхимов Бахтиёр Тойиржонович ПРОКУРОРНИНГ ЖИНОЯТ ИШИ КЎЗГАТИШ БОСҚИЧИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	90
11. Ширинкулов Бахтиёр Ифтихор ўғли ҚУРИЛИШДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ: СУБЪЕКТ ВА ЖАБРАНУВЧИ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	99
12. Xaydarov Mirsaid Mirjabborovich KUCHLI TA'SIR QILUVCHI YOKI ZAHARLI MODDALARNI QONUNGA XILOF RAVISHDA MUOMALAGA KIRITISHGA QARSHI KURASHISHNING AYRIM JIHATLARI.....	107




12.00.09-УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС. КРИМИНАЛИСТИКА, ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЕ ПРАВО И СУДЕБНАЯ ЭКСПЕРТИЗА

Иброхимов Бахтиёр Тойиржонович,
 Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза қилиш
 академияси мустақил изланувчиси
 E-mail: b.ibrohimov@mail.ru

**ПРОКУРОРНИНГ ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗГАТИШ БОСҚИЧИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ
 ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС
 ХУСУСИЯТЛАРИ**

For citation: Ibrokhimov Bakhtiyor Toyirjonovich. PROSECUTORIAL ACTIVITIES IN PROTECTING CITIZENS’ RIGHTS AND FREEDOMS AT THE STAGE OF INITIATING CRIMINAL PROCEEDINGS. Journal of Law Research. 2024, 9 vol., issue 12, pp.90-98

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14259933>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жиноят ишини қўзғатиш босқичида прокурор назоратининг аҳамияти, ваколатлари ва уларнинг қонунийлик ва шахс ҳуқуқларини таъминлашдаги роли таҳлил қилинган. Жиноий процесснинг дастлабки босқичларида прокурорнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган назоратининг процессуал кафолатлари тадқиқ этилган. Мақолада прокурор назоратидаги замонавий муаммолар, шу жумладан жиноят ҳақидаги аризаларни қайд қилиш, текшириш жараёнларини автоматлаштириш зарурияти таъкидланган. Шу билан бирга, хорижий тажриба асосида электрон муурожаатлар, жиноятларни ягона реестрда қайд этиш ва электрон кузатув орқали ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш йўллари таклиф қилинган. Прокурор ваколатларини кенгайтириш ва жиноят иши қўзғатишда шахс ҳуқуқларини таъминлаш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: прокурор назорати, жиноят иши қўзғатиш, қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, процессуал кафолатлар, судгача текширув, тезкор-қидирув фаолияти, электрон кузатув, жиноятлар ягона реестри, фуқаролар муурожаати, жавобгарлик ва жазо, ҳуқуқий ҳимоя

Ибрахимов Бахтиёр Тойиржонович,
 Самостоятельный соискатель правоохранительной
 Академии Республики Узбекистан.
 E-mail: b.ibrohimov@mail.ru

**ПРОКУРОРСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПО ЗАЩИТЕ ПРАВ И СВОБОД ГРАЖДАН НА
 ЭТАПЕ ВОЗБУЖДЕНИЯ УГОЛОВНОГО ДЕЛА**

АННОТАЦИЯ

В данной статье проанализированы значение и полномочия прокурорского надзора на этапе возбуждения уголовного дела, а также его роль в обеспечении законности и защиты прав личности. Исследованы процессуальные гарантии прокурорского надзора, направленного на защиту прав и свобод человека на начальных этапах уголовного процесса. В статье подчеркнута необходимость автоматизации процесса учета и проверки заявлений о преступлениях, а также рассмотрены современные проблемы прокурорского надзора. Кроме того, предложены пути усиления правовых гарантий через внедрение электронных обращений, регистрации преступлений в едином реестре и электронного мониторинга на основе международного опыта. Приведены рекомендации по расширению прокурорских полномочий и обеспечению прав личности при возбуждении уголовного дела.

Ключевые слова: прокурорский надзор, возбуждение уголовного дела, обеспечение законности, права человека, процессуальные гарантии, досудебное расследование, оперативно-розыскная деятельность, электронный мониторинг, единый реестр преступлений, обращения граждан, ответственность и наказание, правовая защита.

Ibrokhimov Bakhtiyor Toyirjonovich,

Independent Researcher, Academy of Law Enforcement of the
Republic of Uzbekistan

E-mail: b.ibrohimov@mail.ru

PROSECUTORIAL ACTIVITIES IN PROTECTING CITIZENS' RIGHTS AND FREEDOMS AT THE STAGE OF INITIATING CRIMINAL PROCEEDINGS

ANNOTATION

This article analyzes the significance and powers of prosecutorial oversight at the stage of initiating criminal proceedings, as well as its role in ensuring legality and protecting individual rights. The procedural guarantees of prosecutorial oversight aimed at safeguarding human rights and freedoms during the initial stages of criminal proceedings are examined. The article emphasizes the need for automation in the registration and verification processes of crime reports and addresses current issues in prosecutorial oversight. Furthermore, pathways to strengthen legal safeguards are proposed, including the implementation of electronic submissions, crime registration in a unified registry, and electronic monitoring based on international practices. Recommendations are provided for expanding prosecutorial powers and securing individual rights at the stage of initiating criminal proceedings.

Keywords: prosecutorial oversight, initiation of criminal proceedings, ensuring legality, human rights, procedural guarantees, pretrial investigation, operational-investigative activities, electronic monitoring, unified crime registry, citizen appeals, accountability and punishment, legal protection.

Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳамда риоя этилиши устидан прокурор назорати прокуратура фаолиятининг энг муҳим элементларидан биридир.

Бизга маълумки, прокуратура мустақил ҳокимият институти сифатида давлат органлари тизимида алоҳида ўрин тутди. Прокуратура зиммасига кенг қўламли вазифалар юкланган бўлиб, уларнинг самарали ҳал этилиши нафақат қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг амалдаги ҳолатини, балки жамият ва давлат манфаатларини шу жумладан конституциявий тузумни ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайди.

Жиноят процессининг мақсадини амалга ошириш жиноят процессининг биринчи босқичидан, яъни жиноят ишини қўзғатиш босқичидан бошланади. Жиноят ишини қўзғатиш босқичида инсон ва фуқароларни ёки ташкилотларни ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, шунингдек жиноятдан жабр кўрганлар ҳамда жиноят процессига жалб этилганда шахсларни ҳуқуқ ва эркинликларини ноқонуний ва асоссиз чеклашдан ҳимоя қилиш ва қонун ҳужжатларга мувофиқ иш юритиш муҳим ҳисобланади. Қонун устуворлигига риоя қилиш асосан шахс ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни

бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўриш, жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлигини таъминлайди, шунингдек, ноқонуний ва асоссиз жиноий иш қўзғатилишининг, айблов ва ҳукмларнинг олдини олади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК) 18-моддасига биноан, жиноий процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш зарурлигини кўрсатади. [1] Таъкидлаш жоизки, прокурор назоратининг предмети кенгрокдир, прокурор нафақат жиноят процесси иштирокчиларининг, балки юридик шахсларни (тадбиркорларни) жиноят ишига ноқонуний жалб қилишдан (жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, юридик шахс ҳам бўлиши мумкин) ҳимоя қилишни назарда тутаяди. Кўриниб турибдики, юридик шахсларни ҳуқуқларига риоя этилиши прокурор назоратининг инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишидан кам бўлмаган муҳим жиҳати мавжуд. Аммо, процессуал фаолиятни назорат қилиш предмети нафақат, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини ўз ичига олади, балки юридик шахсларнинг ҳуқуқларига риоя этилишини ҳам ўз ичига олади. Дарҳақиқат, Қонунга мувофиқ, прокурорлар фуқароларни ва юридик шахсларни ариза, шикоят, мурожаатларни ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўрадилар (7-модда).[2] Шу муносабат билан, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 2-боби номланишида процессуал фаолиятни назорат қилиш субъекти фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини ўз ичига олган қонунни кўриш мумкин. [2] Шу мақсадда, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 2-боби номланиши ва 25-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ саналади:

“2-БОБ. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат

25-модда. Прокурорнинг ваколатлари

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради;”

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 143-моддасига кўра, прокуратуранинг асосий мақсади қонунларга риоя қилиш ва ижро этилишини назорат қилишдир. [3] Чиндан ҳам, олимлар судгача бўлган даврда қонунларга риоя қилиш ва ижро этилиши устидан назорат прокуратуранинг асосий функцияси эканлигини кўп таъкидлаганлар. [4] Прокурор назорати анъанавий тарзда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида эътироф этилади. Албатта, судгача бўлган даврда қонунларга риоя қилиш ва ижро этилиши устидан назорат жиноят процессида шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг процессуал кафолатлари жиноят процессуал тамойиллари билан чамбарчас боғлиқдир.[5]

Жиноят процессуал принципларга риоя қилиш орқали, прокурор назорати воситалари жиноят иши бўйича судгача бўлган иш юритиш жараёнида йўл қўйилган ҳуқуқбузарликларни бартараф этишда ўз самарадорлигини исботламоқда.

Бугунги кунда, давлат органлари томонидан айниқса аксарият жиноят ҳақидаги хабар, аризалар ички ишларга келиб тушади ва жиноятларни яшириш ҳолатлари кенг учрайди, бунга бир қанча сабаблар мавжуд. Мисол учун, прокурор аралашуви билан жиноят қўзғатилган жиноятлар сони, 2021 йил 7037 та, 2022 йил 8374 та, 2023 йил 8253 тани ташкил қилади.

Прокурорнинг судгача бўлган иш юритиш бўйича барча фаолияти ягона мақсадга, яъни қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган. Шу муносабат билан, прокурор назорати мавжуд процессуал кафолатлар тизимини тўлдирди ва унга инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилишда алоҳида йўналишини беради.

Албатта, жиноят иши қўзғатилиш босқичидаги прокурор назорати негизида қонунийлик ва асослилик талаблари ётади. Асосланган қарор қонуний деб эътироф этилиши керак, асосланганлиги эса процессуал қарор асосида амалга оширилган фактик

маълумотларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда жиноят-процессуал қонун талабларига катъий риоя қилиш билан таъминланади.

Ю.Н.Белозеров таъкидлашича, жиноят ишини қўзғатиш босқичидаги қонуний ва асосли қарорлар жиноят процессининг вазифаларини самарали амалга оширишга, жиноятларни очишга, уларни содир этган шахсларни аниқлашга, қонунларни ижросини таъминлашга, шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади.[6]

Жиноят ишини қўзғатиш босқичи қисқа вақтни ўз ичига олганлиги сабабли, қонун ижросини таъминловчи механизмнинг самарадорлиги ошириш талаб этилади. Ана шу қисқа давр мобайнида прокурор назорати қонун устуворлигини таъминлашнинг махсус воситаларидан биридир.

Д.Исраилов фикрига кўра, жиноят иши қўзғатилиш босқичида прокурор назоратининг предмети жиноят ишига жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг тўлиқ таъминланганлиги, жиноят тўғрисидаги хабарларни тезкор ҳисобга олиш иш жилдида қайд қилиш ва ҳисобга олиш процессуал талабларига риоя этишни назорат қилиш, ушбу маълумотларни текшириш, суриштирув, дастлабки тергов органларининг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари тўғрисидаги шикоятларни белгиланган муддатларда кўриб чиқишни ўз ичига олади.[7]

Шундай қилиб, жиноят-процессуал қонун талабларининг бажарилиши ва риоя этилиши ҳам расмий, ҳам инсон ҳуқуқлари муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан текширилади. Жиноят-процессуал қонуни талабларининг бажарилиши ва риоя этилиши устидан процесснинг барча иштирокчилари эмас, балки терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки тергов органлари мансабдор шахсларининг тегишли процессуал фаолияти йўналиши бўйича прокурор томонидан назорат қилинишига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Айниқса, жиноят ишини қўзғатилиш босқичида терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолияти билан шуғулланувчи мансабдор шахсларнинг процессуал ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қабул қилинган қарорларини қонунийлиги ва асослигини текшириш муҳим саналади. Прокуратуранинг хабар беришича, ички ишлар органлар томонидан ноқонуний жиноят иши қўзғатиш ҳолатлари кенг тус олган, мисол учун 2021 йилда 149 та, 2022 йилда 187 та, 2023 йилда 117 тани ташкил қилади. Негаки, ушбу фаолият ноошкоралиги характери ҳуқуқий механизмда алоҳида ўрин тутади. Айниқса ноошкоралиги, ғайриҳуқуқий ҳаракатларга сабаб бўлади. Тезкор-қидирув тадбирларига оид материаллар махфий ҳисобланади. Зарур материалларни тегишли органдан сўраб олиш бир мунча қийнчилик туғдиради. [7]

Шу сабабли, тезкор-қидирув тадбирлари объектига айланган шахслар, яъни тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиши учун процессуал қарорлар қабул қилинган фуқаролар, тезкор-қидирув фаолияти материаллари билан танишиб чиқиш ёки бундай маълумотларни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган, шу мақсадда, прокурор назорати умуман ва жиноят иши қўзғатиш босқичида шахс ҳуқуқларига риоя қилиш ва ҳимоя қилишнинг процессуал кафолати сифатида қаралиши лозим.

Бу кафолат “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасида ҳам мустаҳкамлаб кўйилганини кўришимиз мумкин. Бинобарин, тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари тасдиқлаган қарор асосида руҳсат этилади, прокурор бу ҳақда йигирма тўрт соат ичида албатта хабардор қилиши шартлиги белгиланиб кўйилган. [8] Шунингдек, ушбу Қонуннинг 21-моддасида ҳам, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказган давлат органлардан прокурор тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилган материалларни талаб қилишга ҳақли эканлиги кўрсатиб ўтилган. [8]

Ш.Ҳақназаров фикрича, жиноят ишини қўзғатиш босқичида, исбот қилишда далилларнинг мақбуллиги кўп жиҳатдан прокурор ва суд томонидан ишнинг юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатларини тўғри аниқлаш, қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилишда муҳим кафолат бўлиб хизмат қилади. [9]

Шундай қилиб, жиноят иши қўзғатилиш босқичида прокурор назорат муҳим функциясини амалга оширади, унинг ўзига хос хусусиятлари терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг жиноят ишини юритувига раҳбарлик қилиш ёки ушбу органларнинг процессуал фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ.

Жиноят иши қўзғатиш босқичида прокурорнинг процессуал ваколати, ЖПКнинг 34-моддаси,[1] умумий қоидалари билан мустаҳкамланган, шунингдек “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида[2] ҳам прокурорнинг ваколатлари кенгрок тартибга солинганлигини кўришимиз мумкин. Унга мувофиқ, прокурор қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш ва бошқаларни назарда тутати. Бундан келиб чиқадики, терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг мансабдор шахслари томонидан ҳаракат (ҳаракатсизилиги) ва қабул қилган қарорларни қонунийлиги ва асослигини текширишга ҳақли.

ЖПКнинг 382-моддасига биноан, суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ҳамда терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлардан ишларни текшириш учун, содир этилган жиноятларга оид тезкор-қидирув, суриштирув, дастлабки тергов ишларининг боришига доир ҳужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади; содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ой камида бир марта текширади, шунингдек суриштирувчилар ва терговчиларнинг шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади. [1]

Таъкидлаш жоизки, прокурорнинг ёзма кўрсатмалари терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки тергов органлари мансабдор шахслари учун бажарилиши мажбурий бўлиб, дарҳол ижро этилиши шарт (ЖПК 382-модда). Бунинг натижасида, прокурор назорати жиноят иши бўйича судгача бўлган иш юритишда, шу жумладан унинг терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирув, дастлабки босқичида ҳам шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатларини яратади.

Тадқиқот доирасида ўтказилган сўровларда қатнашган респондентлардан 62 фоизи жиноят иши қўзғатилиш босқичида прокурорларнинг ҳуқуқларини самарали амалга ошириш учун мўлжалланган процессуал кафолатлар сонини кенгайтириш заруртини қувватлади.

Бунинг асосий сабаблардан бири, **биринчидан**, тезкор-қидирув фаолияти устидан прокурор назорати оид нормалар (“Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва ЖПК) етарлича тартибга солинмаган, **иккинчидан**, жиноят иши қўзғатилиш босқичида шахсларни конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи айниқса тезкор-қидирув тадбирлар билан боғлиқ муаммолар амалиётда кўп учрайди, **учинчидан**, айнан шу босқичда жиноят ҳақидаги аризалар ва ҳабарларни қайд қилмаслик, текширувлар олиб бормаслик ҳолатлари кўп учрайди, **тўртинчидан**, янги таҳрирдаги конституцияда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи принциплар жой олганлиги учун (Конституциянинг 27-31-моддалари), яъни амалиётда айнан шу босқичда шахс ҳуқуқлари ғайриҳуқуқий равишда чекланаётганини далолат беради, бундан ташқари ҳуқуқмат томонидан олиб борилаётган ислоҳатлар ҳам бунга яққол далилдир, шу мақсадда прокурор ваколатларини кенгайтириш лозим, **бешинчидан**, жиноят ишини қўзғатиш қисқа даврни камраб олганлиги учун, жуда муҳим ҳисобланади, чунки ана шу даврда жиноят иши қўзғатилади ёки жиноят иши қўзғатилиши рад этилади. Бу ҳақда, Д.Исраилов ўз тадқиқотларида ҳам таъкидлаб ўтган.[7] Бундан ташқари, жиноят иши қўзғатилиш босқичида қонунийликни таъминлаш ва шахсларни ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида ҳимоя қилиш ва давлат органлари томонидан қонунларга риоя этилиши устидан прокурорнинг ваколатларини кенгайтиришга асословчи хорижий тажрибаларни ҳам мисол сифатида келтириб ўтган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, жиноят ишини қўзғатиш даврида прокурор назоратининг мавжуд воситалари назарда тутувчи нормаларни, такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, жиноят иши қўзғатиш босқичи қисқа даврини ўз ичига олганлиги учун, ҳуқуқий ҳимояга бўлган ҳуқуқларига эътиборсизлик билан қараш мумкин эмас. Чунончи, ЖПКнинг 329-моддасига биноан, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозимлиги қайд этилган.[1] Жиноят иши қўзғатиш босқичи қисқа даврни қамраб олганлиги учун, терговга қадар текширув, суриштирув, тергов хатоларини аниқлаш бир мунча қийинчиликни келтириб чиқариши мумкин.

Фуқаролар томонидан содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш ва бошқа ташкилотларнинг ҳужжатларидаги маълумотларни ҳар ойда бир марта текшириш самарали эмаслигига эътибор қаратишингиз мумкин. Негаки, жиноят ишини қўзғатиш ўн суткадан кечиктирмасдан амалга оширилиши кераклиги айтилган. (Айтиш жоизки, ҳар ойда ИИБ навбатчилик қисмига (туман миқёсида) ўртача 120 та жиноят ҳақидаги ариза ва шикоятлар келиб тушади. Шундан, ўртача 46 таси ариза ёки шикоят асосида жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўлади.) Масалан, республика миқёсида прокуратури органларига ички ишлар органлар устидан келиб тушган шикоятлар сони 2021 йилда 3010 та, 2022 йилда 2968 та, 2023 йилда 2442 тани ташкил этади. Туман миқёсида оладиган бўлсак, жиноят ҳақида келиб тушадиган аризаларни битта прокурорни ўзи ўрганиб чиқишга ва тегишли чоралар кўришга вақти етадами деган савол бериш ўринлидир. Албатта, агар прокурор бир ой давомида фақат вақтини ариза ва шикоятларни текшириш учун ишлатса, балки вақти етар, лекин, бизнингча, прокурор ваколатига кирадиган бошқа функция бажаришга вақти етмайди. Ёйинки, айрим текширишлар, мисол учун тафтиш талаб қиладиган текширишлар хаттоки бир ойлаб ўтказилиши мумкин. Бундан ташқари, агар прокурор ариза ва шикоят берган фуқаролар билан алоҳида жиноят билан боғлиқ масалалар ҳақида гаплашадиган бўлса, айниқса вақт етмайди. Қонунда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши хусусиятига эга бўлган ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишларни зудлик билан текшириши лозим деб кўрсатиб ўтган.[2] Шунинг учун, айрим ҳолатларда фуқароларни бузилган ҳуқуқларни ўз вақтида тиклаш имконсиз бўлиб қолади. Исботлаш учун муҳим далилий маълумотлар йўқолишига, жиноят излари йўқ бўлишига ва гувоҳларини топиш имкониятлари чегараланиб қолишига олиб келади.

Демак, жиноят ишини қўзғатиш дастлабки босқичида прокурор назорати ваколатлари ва уни амалга ошириш усуллари билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш заруриятига тўлиқ мос келмайди ҳамда фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини етарли даражада ҳимоя қила олмайди деган фикрга олиб келади. Шу мақсадда, прокурор ва терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ҳамда дастлабки тергов органлари билан назорат билан боғлиқ ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган (боғлайдиган) ва кенг имкониятлар яратадиган кўприқ бўлиши лозим деган фикр ўйлантирди. Бундан ташқари, агар прокурор назоратини шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг процессуал кафолати деб ҳисобласак, жиноят ишини қўзғатиш босқичида прокурор воситалари орқали ариза берувчиларнинг ўзаро муносабатлари механизми билан тўлдирилиши керак.

Яъни, мисол учун, прокурор мурожаат этувчилар билан суҳбат ўтказиш имконияти, улардан жиноят содир этганлиги тўғрисидаги аризани олиш ҳолатлари юзасидан ёзма тушунтиришлар олиш, ариза ёки шикоятларни қайси босқичда эканлигини кузатиб борадиган дастур, платформани яратиш мақсадга мувофиқдир. Бунда аризада, жабрланувчида ариза бергандан сўнг давлат идоралари жиноят тўғрисидаги хабарни рўйхатга олган сана ва вақт, текширишлар ва ариза қайси босқичда эканлиги ҳақида кузатиш имконияти пайдо бўладиган дастурни шакллантириш бизнингча тўғри бўлади.

Айтиш жоизки, бугунги кунда, янги технологиялар ҳар қандай давлатнинг муваффақиятли ривожланишининг гаровидир. Мисол учун, 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-

сон “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шунингдек 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонининг **“Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор”** II-йўналишида суд ва бошқа ижро этувчи идоралараро электрон ҳамкорликни ўрнатувчи ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш бўйича асосий вазифалар белгиланиб олинган.[10] Шу мақсадда, замонавий технологик ишланмаларни ҳисобга олган ҳолда, прокурор назорати амалиётига нафақат фуқаролар билан электрон мулоқотни жорий этиш, балки уларга мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиш имкониятини ҳам бериш керак. Инсон ва фуқаролар билан фикр алмашишнинг бундай усули, масалан, Қирғизистон, Қозоғистонда синовдан ўтган ва ижобий натижалар бермоқда.

Мисол учун, Қирғизистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 148-моддасида, судгача бўлган иш юритиш жиноятлар ва жиноятларнинг Ягона реестрига маълумотлар киритилган пайтдан бошлаб бошланиши кўрсатилган.[11] Жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар ягона реестрга маълумот киритилган сана автоматик равишда жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг ягона реестрига қайд этилади ва унга жиноят иши ёки жиноят ишининг рақами берилади (ҚР ЖПК 150-модда). “Жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг ягона реестр тўғрисида”ги Низом қабул қилинган. Ушбу Низомда жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни қайд қилиш, кўриб чиқиш тартиби, мажбуриятлар батафсил тартибга солинган.[12]

Худди шунга ўхшаш қоида, Қозоғистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 179-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилганини кўришимиз мумкин. Яъни судгача бўлган иш юритиш ягона реестрида жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги ариза, хабарни қайд этиш ёки биринчи навбатдаги тезкор-тергов ҳаракатини ўтказиш ҳисобланади. Бу ҳақда яъни, 24 соат ичида прокурор хабардор қилиши шартлиги белгиланиб қўйилган.[13] Шу билан бирга, “Жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг ягона реестр тўғрисида”ги қоидалар тўғрисида қабул қилинган.[14] Бунда, келиб тушган ариза ва шикоятлар прокурор, суриштирувчи, терговчи, тергов органининг ваколатли шахси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг мансабдор шахси (навбатчи, навбатчи ёрдамчиси), тегишли судларнинг судьялари ва ходимлари, улар ўз ваколатлари доирасида назорат олиб борадилар.

Бундан ташқари, мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармоннинг 17-мақсадида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларда жиноятлар ҳақида хабарларни қайд қилиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, айниқса жиноятларни яшириш ҳолатларини олдини олиш мақсадида замонавий жиноят ҳақидаги хабарларни рўйхатга олиш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш лозимлиги айтиб ўтилган. [10]

Бу таққослаш, бу давлат ва фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлигини оптималлаштириши мумкин бўлган технологик инновацияларга етарлича эътибор берилмаганлигини кўрсатади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, жиноят иши бўйича судгача бўлган иш юритишнинг дастлабки босқичида прокурор назоратини амалга ошириш тартибини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг камчиликлари уларнинг ноаниқлиги, ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатади. Давлат органлар томонидан қабул қилинган қарорларни электрон кузатиш (назорат қилиш) имкони жиноят ишини қўзғатиш босқичида мавжуд муаммоларни бартараф этишга олиб келади шунингдек одил судловга эришиш имкониятларини ошириш билан боғлаши ҳақида хулоса қилиш имконини беради.

Шундай қилиб, а) амалиётга замонавий технологияларни жорий қилиш орқали, прокурор назорати амалиётига нафақат фуқаролар билан электрон мулоқотни ўрнатилишига, балки ҳар бир фуқаро ўз мурожаатларини қайси босқичда эканлигини кузатиш имкониятига ҳам эга бўлади; б) бунинг учун жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш бўйича (автоматлаштирилган тизим) терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов органларини ҳаракатларини кузатишга

имкон берадиган ягона маъмурий регламентини (электрон дастур) қабул қилиш зарур; в) таклиф этилаётган ўзгартиришларнинг мазмун-моҳияти жиноий иш қўзғатишни мустақил рад этишдан ёки ариза ва шикоятларни давомийлиги ҳаддан ташқари узоқ ёки амалга оширилган процессуал ҳаракатлар ҳажми эса ҳаддан ташқари кўп ёхуд процессуал ҳаракатларни кетма-кетлиги билан амалга ошириш, шунингдек фуқаролар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни соддалаштиришга (оптималлаштиришга, осонлаштиришга, вақт ва ресурсларни тажашга, давлат органлари ўртасида кўприк, текшириш, назорат қилиш вазифасини ўтайди) олиб келади; г) жиноят иши бўйича судгача бўлган иш юритишда шахс ҳуқуқларининг кафолатлари кўлами ортади; д) жиноят ҳақида ариза ва хабар бериш тартиби соддалаштирилади; е) электрон қайд этиш тизими жорий қилиш терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, тергов сифатини ошишига олиб келади; ё) электрон мурожаат исботланиши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисида дастлабки маълумотларни тўплашни таъминлашга олиб келади; ж) прокурорнинг электрон идоралараро кузатув орқали (ҳаракати, ҳаракатсизлиги ва қабул қилинган қарорларни) жиноят ҳақида ариза ва шикоятларни ўз вақтида ва қонунийликга риоя этилишига таъминлаш имкони беради.

Бироқ прокурорлар давлат ва қонунлар билан қўриқланадиган бошқа сирларни ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилишга, шунингдек прокурор назоратини амалга ошириш муносабати билан уларга маълум бўлган маълумотларни, шу жумладан фуқаронинг шахсий ҳаёти, унинг шахсий ва (ёки) оилавий сирларини ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилишга ва (ёки) тарқатишга ҳақли эмас.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. (Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan. – Т.: Uzbekistan, 2023.)
2. “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда. (Law of the Republic of Uzbekistan “On the Prosecutor’s Office.” Gazette of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2001, No. 9-10, Art. 168.)
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. – Т.: Uzbekistan, 2023.)
4. Пулатов Б.Х. Жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати. –Т., 2007. – 143 б. (Pulатов B.Kh. Prosecutor's supervision of the implementation of laws by bodies engaged in the fight against crime. - Tashkent, 2007. - 143 p.)
5. Базарова Д. Б. Процессуальные гарантии прав личности в уголовном процессе: Автореф. дисс. ... доктора юридических наук (DSc). – Ташкент, 2022. – С. 62. (Bazarova D.B. Procedural guarantees of individual rights in criminal proceedings: Abstract of diss. ... Doctor of Law (DSc). – Tashkent, 2022. – P. 62)
6. Белозеров Ю.Н. Марфицин П.Г. Обеспечение прав и законных интересов личности в стадии возбуждения уголовного дела Учебное пособие. М.: УМЦ при ГУК МВД РФ, 1994. С. 4. (Belozеров Yu.N. Marfitsyn P.G. Ensuring the rights and legitimate interests of an individual at the stage of initiating a criminal case. Study guide. Moscow: Educational and Methodological Center at the Main Criminal Code of the Ministry of Internal Affairs of the Russian Federation, 1994. Page 4)
7. Исраилов Д.Ш. Тезкор-қидирув фаолиятига оид қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш: Автореф.дисс...юридик. фан. фалсафа. докт (PhD). Т., ЎзР Бош прокуратураси Академияси, 2024. – Б. 33-35. (Israilov D.Sh. Improving prosecutorial supervision over the implementation of laws regulating operational investigative activities: Abstract dissertation... doctoral philosophy in legal sciences (PhD). - Tashkent: Academy of the General Prosecutor's Office of the Republic of Uzbekistan, 2024. - P. 33 -35.)

8. “Тезкор-кидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 25.12.2012 йилдаги ЎРҚ-344-сон. (aw of the Republic of Uzbekistan “On operational investigative activities”, No. ZRU-344 dated December 25, 2012.)
9. Ҳакназаров Ш. Суднинг жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш масалалари. Автореф.дисс...юридик. фан. фалсафа. докт (PhD). Т., ЎЗР Бош прокуратураси Академияси, 2023. – Б. 74. (Khaknazarov Sh. Issues of ensuring the safety of participants in criminal proceedings by the court: Abstract of dissertation for a doctorate in philosophy in law (PhD). – Tashkent: Academy of the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan Uzbekistan, 2023. – P. 74.)
10. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On the Strategy of Actions for the Further Development of the Republic of Uzbekistan” No. UP-4947 dated February 7, 2017.)
11. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Кыргызской. (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.07.2021 г.). (Criminal Procedure Code of the Kyrgyz Republic. (with amendments and additions as of 22.07.2021))
12. Временное положение “о Едином реестре преступлений и проступков” (к постановлению Правительства Кыргызской Республики от 21 декабря 2018 года № 602). (Temporary Regulation “On the Unified Register of Crimes and Misdemeanors” (to the Resolution of the Government of the Kyrgyz Republic of December 21, 2018 No. 602))
13. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. Кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V ЗПК. (Criminal Procedure Code of the Republic of Kazakhstan. Code of the Republic of Kazakhstan dated July 4, 2014 No. 231-V ЗПК)
14. Об утверждении Правил приёма и регистрации заявления, сообщения или рапорта об уголовных правонарушениях, а также ведения Единого реестра досудебных расследований. Приказ Генерального Прокурора Республики Казахстан от 19 сентября 2014 года №89. Зарегистрирован в Министерстве юстиции Республики Казахстан 23 сентября 2014 года № 9744. (On approval of the Rules for the acceptance and registration of an application, message or report on criminal offenses, as well as maintaining the Unified Register of Pre-trial Investigations. Order of the Prosecutor General Republic of Kazakhstan dated September 19, 2014 No. 89. Registered in the Ministry of Justice of the Republic of Kazakhstan on September 23, 2014 No. 9744)



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

9 ЖИЛД, 12 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 9, НОМЕР 12

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 9, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000